

Ishonch

2019 йил 13 август • сешанба • № 98 (4227)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЭКСПОРТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 август куни иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш, инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, доимий муҳокама қилиб бормоқда. Ушбу соҳаларга доир ҳужжатлар қабул қилиниб, зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизими яратилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилди. Шунингдек, 205 номдаги товарларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизини қоплаб бериш йўлга қўйилди.

Бундай реал, амалий чора-тадбирлар албатта ўз самарасини бермоқда. Экспорт билан шуғулланган субъектлар сафига 2 мингта янги корхона қўшилди, экспорт географияси 42 та давлатга кенгайтирилди, 59 турдаги маҳсулот биринчи марта экспортга йўналтирилди.

Жорий йилнинг етти ойида товарлар ва хизматлар экспорти 7 миллиард 331 миллион долларни ташкил этган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоиз кўнради.

Йиғилишда «Ўзбекистоннинг экспорт уюшмаси», «Ўзбекистоннинг экспорт уюшмаси» компанияси ҳамда Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон ва Тошкент вилоятларида экспортни кўпайтириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани қайд этилди. Мутасадди раҳбарлар экспортёрларнинг муаммолари билан тизимли шуғул

ланмаётгани, давлат томонидан яратилган имкониятларни тадбиркорларга етказиб, уларнинг ташқи бозорга чиқишига кўмаклашмаётгани танқид қилинди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошчилигида ташкил этилган Худудлар ва тармоқларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича Республика комиссияси корхоналар ва тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб, уларни экспорт фаолиятига жалб қилиши, бу борадаги муаммоларини ҳал этиш, халқаро стандартларни жорий қилиш ва сертифицициядан ўтказиш бўйича ёрдам бериши зарурлиги таъкидланди.

Экспортёрларнинг хориждаги савдо уйлари устав капитали миқдорини ошириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Инвестиция иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилатгани натижасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида 85 триллион 775 миллиард сўм инвестиция ўзлаштирилган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўнради. Асосий капиталда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 2,5 баробар ошиб, 1,7 миллиард долларга етган. Давлат кафолати бўлмаган хорижий кредитлар эса 3,7 баробар кўнради. Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг қарийб 75 фоизи ҳудудий лойиҳаларга тўғри келмоқда.

Бу кўрсаткичлар қайд этилар экан, энди асосий эътиборни йилнинг қолган даврида кўзда тутилган

инвестицияларни тўлиқ ўзлаштиришга қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш суст кечётган тармоқлар раҳбарлари мавжуд ҳолат сабаблари ва бу борадаги ишларни жадаллаштириш режалари тўғрисида ҳисобот берди.

Вазирлар Маҳкамасига 2019 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ умумий қиймати 4,2 миллиард доллар бўлган 145 та лойиҳа бўйича саноат объектларини муддатида ишга тушириш юзасидан топшириқлар берилди. «Навоий-азот» акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ва азот кислотаси ишлаб чиқариш, Муборак газни қайта ишлаш заводида суолтирилган газ ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Тўрақўрғон, Тахиташо ва Навоий иссиқлик электр станцияларида янги буғ-газ ускуналарини ўрнатиш, Тошкент металлургия заводида қуриш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Тақлифларга кўра, охириги ўн йилда ишга туширилган 40 га яқин йирик корхона қувватларидан тўлиқ фойдаланилмапти.

Вазирлар Маҳкамаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига инвестиция дастурлари доирасида ишга туширилган корхона ва объектлар фаолиятини таҳлил қилиб, кам қувватда ишлаётганларини лойиҳа параметрларига олиб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Ушбу дастурга, аввало, олий даражадаги таширлар доирасида имзоланган 650 га яқин келишувларга мувофиқ ишлаб чиқилган аниқ лойиҳаларни, шунингдек, нефть-газ хомашёсини чуқур қайта ишлаш, муқobil энергетика, машинасозлик, электр техникаси, қурилиш материаллари, агросаноат каби юқори техноло-



Туркманбоши шаҳрида ўтаётган Биринчи Каспий иқтисодий форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Бosh вазир Абдулла Арипов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ҳамда Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев билан учрашди.

«Бухоро вилояти Қоракўл туманида «Халқаро математика мактаби»ни ташкил этиш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қиймат яратиш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантириш, корхоналар ўртасида саноат кооперациясини кенгайтиришга зарур шароит яратилмоқда. Лекин айрим тармоқ ҳамда ҳудудларда маҳаллийлаштириш бўйича ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани танқид қилинди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси истиқолнинг 28 йиллиги муносабати билан 31 августдан 3 сентябрга қадар юртимиз аҳолиси ва хорижлик сайёҳлар учун чегирмалар эълон қилди.

Россияда ўтказилган «РЕМБАТ» – «Энг илғор таъмирлаш ва эвакуация батальони» мусобақасида мамлакатимиз термаси умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Адлия вазирлиги ва Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида халқаро арбитраж ислоҳотини ўтказди.

Тошкентдаги «Универсал» спорт саройида ўтказилган таэквондо бўйича қадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Зафарбек Каримов олтин медал соҳиб бўлди.

Термиз шаҳридан «Ўзбекистон – Тожикистон – Хитой» йўналишида янги транспорт коридори бўйлаб тажиба-синов автокаравони йўлга чиқди.

Катта Фарғона магистрал канали «Усмон Юсупов номи Катта Фарғона канали» деб ўзгартирилди.

Тошкент сентябрь ойида халқаро хоккей турнирига мезбонлик қилади.

Ўзбекистон ҳудудидаги буюм ва озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида, йирик савдо мажмуалари ва дўконларда 10 августдан 10 сентябргача мактаб ярмаркалари ташкил этилади.

Қўқонга Жаҳон хунармандлар шаҳри мақоми берилди. Жаҳон хунармандлари кенгашининг раҳбари Роза Гринлис хоним Осиё-Тинч океани минтақаси бўйича президенти Гада Каддумига йўллаган хатиде бу ҳақда маълум қилган.

Москва вилоятининг Дмитров шаҳрида Халқаро армия ўйинлари доирасида ўтказилган «Содиқ дўст» мусобақасида ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида 3-ўринни қўлга киритди.

Қонун лойиҳаси муҳокамада

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ бўлсин...

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари бўлган фуқароларнинг касаба уюшмасига бирлашиш ҳуқуқи ва касаба уюшмаларини тузиш, фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш, уларнинг асосий ҳуқуқи ва кафолатлари, мүлклий ҳуқуқлари, мол-мүлкни тасаруф этиш билан боғлиқ нормалари амалдаги қонунга нисбатан кенгроқ ёритилганини таъкидлаш жоиз.


Касабаси, касаба уюшмаларининг тузилиши, мақоми, касаба уюшмаларини қайта ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш, иш берувчи сифатида фаолияти, мүлкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассаса, давлат, нодавлат, хорижий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан муносабатлари, ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солишда ишчи-ходимлар билан иш берувчиларнинг давлат манфаатларини уйғунлаштиришдаги иштироки, жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги фаолияти билан боғлиқ янги меъёрлар жорий қилинган. Улар касаба уюшмаларига дахлдор меъёрий ҳужжатларда олдин ҳам мавжуд эди. Эндиликда ушбу муносабатларни қонун билан тартибга солиш орқали улар умуммажбурий меъёрларга айлантирилмоқда.

Қонун лойиҳасининг 5- ва 9-моддаларида мустақил меҳнат қилиш ёшига етмаган, ўн беш ёшдаги шахсларнинг ҳам олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ва уларнинг уставларига риоя этиш шарти билан кириши белгиланган.

Фикримча янги қонун лойиҳасининг 6-моддасидаги касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принципларидан ҳисобланган «камситишга йўл қўймаслик», деган жумла «камситишга ва таъқиб этишга йўл қўймаслик» деб тўлдирилса, айни муддао бўлар эди.

Мухокама этилаётган қонун лойиҳасининг 10-моддасида касаба уюшмаларининг фаолиятига аралашиб, уларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки уларни амалга оширишда тўсқинлик қиладиган бирон-бир ҳужжатни талаб қилиш таъқиқланган. Бу, ўз навбатида, касаба уюшмаларининг эркинлигини янада ишончлироқ таъминлашга хизмат қилади.

2



Ёзги соғломлаштириш

Бахтиёр болалар мамлақати



Сирдарё вилояти

Ҳеч ким эътибордан четда эмас

Сирдарё туманидаги «Мурувват» интернат уйида бугунги кунда 250 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қиз истикомат қилади. Бу маскан эшиги саховат йўлини тутган кишилар үчун доимо очилган.

Интернат уйи директори Дилшод Пайзиллаевнинг айтишича, байрамларда тури ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлар совға-саломлар билан хабар олгани келишди.

Мустақиллик байрами, шунингдек, Қўрбон ҳайити муносабати билан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари ушбу «Мурувват» уйида бўлишди. Бу ерда яшаётган хотин-қизлар ҳолидан хабар олиниб, кун-далик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотлар тухфа этилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ бўлсин...

41 Ушбу лойиҳанинг 16-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, иш берувчиларнинг раҳбарлари касабга уюшмасини, уларнинг бирлашмаларини тузишга ташаббускор бўлиши, улар касабга уюшмаларининг аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги меъёр киритилган. Уларни касабга уюшмаларининг аъзолари бўлишини ман қилиш эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, иш берувчиларнинг раҳбарлари, шунингдек, уларнинг вакиллари касабга уюшмалари органларининг (қўмита, кенгаш, раёсат ва ҳоказо) аъзолари бўлишининг тақиқланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки корхона раҳбари ҳамда иш берувчи вакиллари ҳисобланган бошқа мутаассидлар (раҳбар ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари) уларни ушбу лавозимга тайинлаган (меҳнат шартномасини тузган) иш берувчилари олдига ҳодим ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, амалиётда корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари лавозимида ишлаган ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳам касабга уюшмалари кўмағида ҳимоя қилинмоқда ва улар касабга уюшмасига аъзолик бадалларини тўлаб келаятир.

Кўнун лойиҳасининг касабга уюшмаларининг меҳнат ва ижтимоий ривожланиш соҳасида қонунлар ва бошқа меъёр-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқини белгилловчи 30-моддасига меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги меъёр-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда, албатта, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси ёки тармок касабга уюшмаси билан келишиш шартлиги тўғрисидаги меъёрни бошқарув органлари томонидан киритишни тақдир қиламан.

Илгари амалиётда бюджет ташкилотларининг смета-штартадвалларини тузишда қабул қилинган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Меҳнат кодекси талабларига, айниқса, иш вақти ва меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрларига мос келмаслиги сабабли айрим муаммолар келиб чиқиш ҳолатлари учраб турарди. Жумладан, қўнун асосида меҳнат муносабатларини юртдан иш берувчиларнинг ҳаракатлари мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бузиш ва бюджет маблағларини растрата қилиш сифатида баҳоланиб, ҳодимларнинг ҳақиқатда ишлаган вақтига ва ишдан ташқари ишлаган даврлари учун ҳақ тўланмай қоларди.

Таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида узлуксиз фаолият кўрсатадиган иш жойларида штатлар сонини ўқувчилар, беморлар, ўринлар сонини билан боғлиқ тарзда белгиланади. Ҳодимлар жадал бўйича, навбат билан ишга жалб этилади. Оқибатда ҳодимлар қўнунда белгиланган вақтдан бир ярим, икки ҳисса кўп ишлатилса-да, амалда бир ҳисса мош тўланади. Қўнунда белгиланган меъёрий юмуш вақти учун бундай иш жойларига 4,2 ва 4,6 штат бирликлари зарур бўлади. Барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар касабга уюшмалари билан келишилган ҳолда қабул қилинса, қўнун устуворлиги таъминланарди.

Қўнун лойиҳасининг 56-моддасида касабга уюшмаси раҳбари ҳисобланган ва ишлаб чиқаришдаги фаолиятдан озод этилмаган ҳодимларга интизомий жазо бериши, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш, шунингдек, касабга уюшмаси раҳбарлик лавозимини эгаллаган ҳодимлар билан ваколатлари тугаганидан кейин икки йил давомида тегишли касабга уюшмаси бирлашмасининг розилигини олмай туриб иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Ушбу меъёрда касабга уюшмасининг қайси (туман, шаҳар, тармок, вилоят, республика) бирлашмасидан розилик олиниши аниқ белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу моддада касабга уюшмаларининг вакиллик органларига сайланган ҳодимларга тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда улар қўнунлар ёки жамоа шартномалари, келишувларида назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланиши тўғрисида меъёр белгиланган. Аммо имтиёзлар нималардан иборатлиги аниқлаштирилмаган. Менимча, мазкур моддада касабга уюшмаларининг вакиллик органларига сайланган ҳодимларга аввалги иш (лавозимини) бериш имконияти бўлмаса, унга тенг келадиган бошқа (лавозим) билан

таъминлаш мажбуриятини белгилаш, яъни шу ва бошқа турдош корхона ёки бандликка кўмаклашиш маркази орқали ишга жойлаштириш чоралари кўрилиши ва иш билан таъминлангунга қадар ҳодимнинг олдинги лавозими бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинишини белгилаш лозим.

Амалиётда асосий ишдан озод қилинган ёки четлатилмаган бўлса-да, касабга уюшмаси таркибига сайланган, раҳбарлик лавозимини эгаллаган ҳодимлар томонидан иш берувчи манфатларини кўзлаган ҳолда ўз мажбуриятини бажармаслик ёки ишчи-ҳодимлар манфатларига зид ҳаракатлар содир қилиш ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолатлар ҳодимларнинг мувожазлари ниҳоятда меҳнат низо-ларини судларда кўришда юзага чиқади. Касабга уюшма мажлисларини ўтказмасдан иш берувчи манфатларига хизмат қилувчи ҳужжатларни (баённома, қарор) расмийлаштириб бериш, ҳодимнинг меҳнат шартномаси бекор қилиниши асосиз ёки ноқонуний эканини била туриб, уни иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишга розилик бериш, иш берувчи номидан ҳодимга нисбатан айблов ҳужжатларини расмийлаштириш каби ҳаракатлар шулар жумласидан бўлиб, бундай касабга уюшмаси фаолларига нисбатан таъсирли чора кўриш механизми йўқ. Қўнун лойиҳасининг 64-моддасида касабга уюшмалари тўғрисидаги қўнунчиликни бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши кўрсатилган. Лекин ўша тартиб қаерда ва қайси қонунда белгилангани кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, амалиётда, иш берувчилар томонидан касабга уюшмаларининг сўров хатлари ва тақдирномаларини кўриб чиқмаслик ва зарур ҳужжатлар билан ахборотларни тақдим қилишдан бош тортиш ҳолатлари учраб турди. Бундай ҳолатларда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекциясига иш берувчиларга маъмурий чора кўриш ҳақидаги қўнундан рожажатлар жавобсиз қолдирилмоқда. Бунга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда касабга уюшмалари фаолияти билан боғлиқ қўнун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилмагани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Шунга қўра, мазкур қўнун лойиҳасида касабга уюшмалари тўғрисидаги қўнун ҳужжатларини, меҳнат тўғрисидаги қўнун ҳужжатлари ҳисобланишини эътироф этиш ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга касабга уюшмалари фаолияти билан боғлиқ қўнун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик киритилиши ўринли бўлар эди.

Қўнун лойиҳасида касабга уюшмаси аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаш зарурати бор. Чунки касабга уюшмалари Уставида белгиланишича, аъзо касабга уюшмаси ердан фойдаланиш, унинг ҳимоясида бўлиш ҳуқуқларига эга. Олти ой аъзолик бадалини тўламаган ҳодим аъзоликдан чиқарилган ҳисобланади. Лекин касабга уюшмаларига аъзолигидан қатъи назар, айрим ишчи-ҳодимларнинг манфатлари ҳимоя қилинмоқда. Аъзолик бадалини тўлашдан бош тортиб тўхтатганига қарамай корхона касабга уюшмаси ҳимояси ва ердан фойдаланаётганлар бор. Ҳар қандай субъект молиявий таъминотсиз ҳаракат қила олмайди. Касабга уюшмаларининг молиявий таъминот манбаи эса аъзолик бадалларидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим давлат молия назорати органлари бюджет корхоналарида ўтказилаётган текширувларда ҳодимларнинг аъзолик бадалларини корхона бухгалтерияси орқали ушлаб қолишда ҳар ой тўлаган аъзолик бадалини учун ёзма аризасини талаб қилиб, Меҳнат кодексининг 164-моддасидаги «фақат ҳодимнинг ёзма розилиги билан иш ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин», деган меъёрга таянган ҳолда иш берувчи ва бухгалтерия ҳодимларига муаммолар туғдирмоқда. Баъзи корхоналарда эса аъзолик бадалини бухгалтерия орқали ушлаб қолиш ва ўтказиб беришдан бош тортиш ҳолатлари ҳам учраётди. Шу боис касабга уюшмасига аъзолик ихтиёрий, лекин бадалини тўлаш мажбурийлиги қўнун билан белгилаб қўйилса, бу каби муаммоларга чек қўйилган бўлар эди.

Пўлат ТУРСИНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
касба уюшма ташкилотлари
билан ҳамкорлик бўлими мудири



Қашқадарё вилояти

Яккабоғ туманининг сўлим Кенгузар қишлоғида жойлашган «Истиқлол ғунчалари» болалар оромгоҳи қўнунга кўра, вилоят давлат активларини бошқариш агентлигига қарашли бўлса-да, оромгоҳ тўлалигича ўзини ўзи таъминлайди.

Мафтункор табиат қўйнида



Йўлланмалардан тушадиган маблағни жой-жайига қўйиб ишлатиш, қолаверса, ишчи-хизматчиларнинг ҳамжиҳатлиги туфайли жорий мавсум учун ҳам 100 та ўрин тайёрланди. 10 жамланма стол-стул расалди. Коса ва лиқопчалар, қошиқлар янгиланди. 200 та китоб сотиб олинди. Китоб фонди 1600 тадан ошди.

Оромгоҳда кўлаб эртақ китоблар ўқидим, зерикши нималигини билмадик, — дейди дам олувчи Гулишабнам Ҳасанова. — Бундан ташқари, рақс ва қўшиқлар ўргандик. «Қувноқ стартлар», «Ширибом» ўйинларида қатнашиб, роса яйрадик.

Бу йил оромгоҳда режадаги 1410 нафар ўрнинг 1510 нафар ўғил-қиз дам олди. Ўқувчиларнинг фикрлар доирасини кенгайтириш мақсадида турли учрашувлар, тадбирлар уюштирилди. Жумладан, оромгоҳ, Ватан, касб-хунар, китобсеварлик ҳақида иншолар танлови ўтказилди. Ёш қаламкашлар ота-она тарбияси, она юрт, гўзал ва мафтункор табиат ҳақида шеърлар ёзишди. Бўла-жақ мўйқалам усталари эса рассомчилик танловларида ўз салоҳиятини синонадан ўтказишди.

Бу ердаги ҳар бир бола билан суҳбат қуриб, унинг қизиқишлари, фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиб бораман, — дейди оромгоҳ директори Абдуғани Боқиев. — Энг муҳими, болалар «Истиқлол ғунчалари»да ўтган ҳар бир дақиқани қадрлашга, ундан унумли фойдаланишга йўналтирилган.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

Шу йилнинг июлида набирам Заринахон Бухоро туманидаги «Бунёдкор» болалар оромгоҳида дам олиб қайтди. Таассуротлари бир олам.

Шодлиги ичига сиғмай, у ерда нималар қилгани, нималарни ўргангани, оромгоҳда орттирган ўртоқлари билан қандай ўйинлар ўйнагани ҳақида бийрон-бийрон сўзлаб берди. Бухоро шаҳридаги 42-мактабда ўқийдиган, сентябрдан 2-синфга борадиган жажжигина набиранинг гапларини эшитиб, қарамоғида шу қизалоғ-ноғирон ўғли бўлган, элик бешики қоралаган мендек кишининг ҳам қалби фахр-ифтихорга тўлади.

Ҳаммасини бир бошдан айтиб берсам. Учаламиз «Навой» маҳалласида яшаймиз. Ўзим қоровулман. Эҳтиёжманд оила бўлганимиз учун маҳалла-қўй, теварак-атрофдаги турли саховатпеша ташкилотлар бизга тез-тез кўмак бериб туришибди. Шу боис, бир кун хаёлимга «Мана, набиранимиз ёзи таътилга чиқди. Уни биронта оромгоҳга юборсаммиким... Қани, касабга уюшмасидан ёрдам сўрай-чи...» деган фикр



Бахтиёр

Сурхондарё вилояти

Денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган, чор-атрофи баланд дарахтлар билан ўралган «Хонжиза» болалар оромгоҳининг 1-навбатида 260 нафар ўғил-қиз мириқиб дам олди. Улар сафида менинг ҳам фарзандларим бўлгани боис, ушбу масканга икки мартаба бордим.

«Хонжиза»нинг файзи ўзгача



Анджон вилояти

Таътилдан ёрқин хотиралар

Комила Гофиржонова Анджон шаҳридаги 24-мактабнинг аълочи ўқувчиларидан. Яқинда «Энергетик» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқариб қайтган Комила янги ўшув йилига юқори кайфият, шашт-у шижоат билан таратқил қўрипти. Унинг айтишича, бу йилги таътил ҳар қачонгидан мароқли ўтди, мактабда янада яхши ўқиши учун куч берди.

биёт мактаби ўқувчиларининг дам олувчилар даврасидаги адабий чиқишлари навқирон авлод вакиллари шайриятга яхши китобларга ошно этган бўлса, Анджон шаҳрининг Боғишамол даҳасида очилган Ҳайвонот боғига уюштирилган «Саёҳатлар Унутилмас» кечинималарга бой бўлди.

«Бешариқ» оромгоҳида бош етакчи сифатида ишлаб нафақат тажриба орттирдим, балки ўзим ҳам анча ёшаргандек бўлдим,

— дейди Шаҳрихон туманидаги 51-мактаб ўқитувчиси Пўлатжон Бойназаров. — Мавсумда ўқувчиларнинг кўнглини олишга, вақтинчи фойдали машғулотлар билан банд қилишга ҳаракат қилдик. Вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкил этилган ноанъанавий тадбирлар эса болалар томонидан илиқ кутиб олинди.

Нурилло НЎМОНОВ,
«ISHONCH»



Вилоятдаги 14 та болалар оромгоҳида тўртинчи навбатда 2 мингдан зиёд ўғил-қизлар завқ-шавққа тўлган ҳолда ҳордиқ чиқардилар. Ўқувчиларда кундалик режа-тадбир болалик хотиралари билан уйғунлашиб, бир умр ёддан чиқмайдиган таассуротлар қолди.

Осиё цирклари ассоциацияси Анджонда гастрол сафарига юрган кунлари вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллари вазиятдан унумли фойдаланди. Цирк артистлари оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган болалар ҳузурига тақлиф этилди. Уларнинг ранг-баранг, ҳайратомуз томошалари кимга ёқмайди дейсиз?

Муҳаммад Юсуф номидаги ада-

МЧЖга қарашли оромгоҳга бепул йўланма олишга кўмаклашишди.

Набирам у ерда ўн икки кун бўлди. Соғинганимдан кўгани икки-уч марта бориб келдим. Оромгоҳдаги шароитлар ҳам айна болаларбоп экан. Янги, кўркам сув ҳавзаси, спорт майдончалари, мўъжазгина ҳайвонот боғи, кутубхона, максабини ўраган қуюқ дарахтзорни айт-

майсимиз! Кунора оқшом чоғи бу ерда музикий дастур бўлиб, болаларнинг ўйин-қўлги қилишар экан. Заринахон айтишича, кўғирчоқ театри уч-тўрт марта томоша қўйибди. Етакчи опалари уларга эртақлар ўқиб беришибди, расмлар чиздиришибди, шеърлар, турли ўйинлар ўргатишибди.


Ўзим оромгоҳнинг иккинчи мавсуми очилиш ва ёпилиш маросимларида қатнашдим. Бу тадбирларда Зарина турли ёшдаги ўртоқлари билан гулхан атрофида айланиб, биргалликда қўшиқ қўйлади. Бола эмасми, оромгоҳдан қайтганидан кейин гоҳида яна ўша ёққа юборинг, деб ҳол-жонимга қўймайди.

Буларни айтишимдан мақсад, аввало, шукрона келтириш. Шундай юрда яшаётганимиз учун, диёримизда ҳеч ким эътибордан, ғамхўрликдан четда эмаслиги учун. Шундай экан, биз каби кам таъминлаган оилаларнинг фарзандларига тўла-тўқис шароитлар муҳайё эканидан ҳар қанча миннатдор бўлсак, арзийди.

Азиз САИДОВ

болалар мамлакаати

Халқаро ҳамкорлик



Бангкок шаҳрида Халқаро таълим ташкилотининг 8-Бутунжаҳон Конгресси «Ўқитувчилар ва уларнинг касаба уюшмалари: етакчилик қилиш вақти келди» шиори остида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев иштирок этди.

Истиқболнинг янги уфқлари

Конгрессда Европа мамлакатлари, Россия, Озарбойжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Украина, Молдова, Латвия, Литва, ETUCE (Европа таълим касаба уюшмалари қўмитаси)га аъзо Осие давлатлари – Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон каби 154 та давлатдан 1500 нафарга яқин делегат қатнашди.

Халқаро таълим ташкилоти Бош қотиби Дэвид Эдгардс ўз маърузасида ташкилотнинг асосий ютуқлари, тадқиқот ташаббуслари, давлат таълимининг хусусийлашиши ва тижоратлашуви, гендер тенглик, мигрант ва қочқоқларнинг ҳуқуқлари, олий маълумотли мутахассислар, таълимни молиялаштириш, савдо битимлари ва муаллифлик ҳуқуқлари масалаларига тўхталиб ўтди.

Конгресс давомида ўтказилган сайловлар натижаларига кўра, Сьюзен Хопгуд Халқаро таълим ташкилотининг учинчи муддатга Президенти этиб сайланди. Бундан ташқари, Африка минтақаси бўйича вице-президент, Осие-Тинч океани минтақаси бўйича вице-президент, Европа минтақаси бўйича вице-президент, Лотин Америкаси минтақаси бўйича вице-президент, Шимолий Америка-Кариб ҳавзаси минтақаси бўйича вице-президент, Бош қотиб

вазифаларига ҳам номзодлар сайланди.

Конгресс ишида Халқаро меҳнат ташкилоти Бош қотиби Гай Рейдер сўзга чиқиб, ташкилот фаолиятини қўллаб-қувватлашни, «таълим демократияси, фуқаролар ва уларнинг умумий мақсадларини ҳимоя қилиши кераклиги»ни таъкидлаб, ХМТ таълимнинг бутун дунё эътибори марказида бўлишини таъминлаш учун Халқаро таълим ташкилоти билан ҳамкорликдан мамнунлигини айтиб ўтди.

Халқаро таълим ташкилотининг 8-Бутунжаҳон Конгрессида 10 дан ортиқ резолюция қабул қилинди.

Конгресс давомида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва фан ходимлари касаба уюшмаси ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланди.

Шунингдек, Озарбойжон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Беларусь касаба уюшмалари томонидан ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташриф учун тақлифлар қабул қилинди.

Жамил ЯРАТОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

«Лола» яхшиликларга қанот берди

Янгиқўрғон туманининг сўлим тоғолди ҳудудида жойлашган «Лола» оромгоҳи халқ таълими бошқармаси балансида бўлиб, тўққиз йилдан бери фойдаланилмаётган эди.

Уз ишининг усталари жонбозлиги сабабли қисқа муддатда оромгоҳ 3-навбат бошланишига тайёр ҳолатга келтирилди. «Лола»да учинчи, тўртинчи ва бешинчи навбатда 500 нафар болажон



мириқиб ҳордиқ чиқарди.

– Менга «Лола» жуда ёқди, – дейди Тўрақўрғон туманидаги 12-мактаб ўқувчиси Иқлима Эргашева. – Ота-онамдан келгуси йил ҳам шу ерга жўнатишларини илтимос қилмоқчиман. Янги дўстлар ортирдим, маза қилиб чўмилдик.

Дарҳақиқат, Иқлима айтганидек, бу ердаги тоза ва салқин ҳаво, зилол сувли бассейн болажонларга жуда ёқди. 15 нафар ходим болажонлар билан чин кўнгилдан яйраб ишлади.

Бу кўтаринчилик иш фаолиятида яққол кўринди. Ота-оналар болаларнинг аксарияти тўғарақларда ўрганганини янада чуқурлаштиришни истаётганини айтиб, кўнгирак қилишмоқда. Оромгоҳдан қайтган, спорт секцияларига аъзо бўлаётганлар «Қайси мураббийни тавсия қиласиз?» дея спорт йўриқчимиздан ҳам маслаҳат олишаётган экан.

Бундан жуда қувондик. Демак, кўзланган мақсадга етиб, қорақўзларнинг ҳаётига яхши янгиликлар олиб кира олибмиз.

Маҳмуджон ПўЛАТОВ,
Янгиқўрғон туманидаги «Лола» оромгоҳи директори

Тошкент вилояти

«Автомобилчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида мавсумда 1877 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқарган бўлса, уларнинг 420 нафари Оролбўйи болаларидир.

Хайрлашмаймиз, қуришгунча деймиз!

Болажонлар вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида тарбиячилар ва етакчилар томонидан турли маданий тадбирлар ташкил этилди. «Келинг, танишамиз» кечаси дам олуви ва хизматчилар орасида дўстлик ва қадрдонлик муносабатини ўрнатишга илк қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди.

«Серқуёш ўлка», «Менинг бетакрор, гўзал Ватаним» каби мавзуларда асфальтга чизилган расмлар, «Гулла, яшна, жон Ўзбекистон!», «Улуғларга муносиб фарзанд бўламиз!» каби мавзуларда уюштирилган танловлар ёшлар қалбига Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлади.

«Алпомиш ва Барчиной издошлари», «Катта қувноқ эстафета», «Ёз – 2019» спартакиадалари болалар саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди.

Оромгоҳнинг 35 йиллигини нишонлаш ҳақиқий байрамга айланди. Муассаса раҳбари Нафиса Шорахимова бошчилигида маскан тарихи ҳақида қизиқarli кишилар қилинди ва чиройли байрам дастурхони тайёрланди.

Бир сўз билан айтганда, мавсум давомида болажонлар таътилни завқли ва мазмунли ўтказишди.

Демак, ҳозирча хайрлашмаймиз, яна қуришгунча, деб қоламиз!

Комила БОЙМУРОВА,
«ISHONCH»

Намунавий дастур асосида

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доирасида иш самарадорлигини ошириб бориш мақсадида тарбияси оғир, жиноятчиликка мойиллиги бор, ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турган, афв этилган, ёшлар иттифоқининг кафиллиги асосида суд залидан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш орқали озод этилган ёшларни жамиятга мослаштиришни таъминлаш борасида тегишли чора ва тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Кенгаши, Ички ишлар вазирлиги, Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда, ички ишлар идораларида ҳисобда туривчи вояга етмаганлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди. Айни пайтда Нукус шаҳрининг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган «Жас аўлад» болалар дам олиш марказида 50 нафар бола ҳам тарбия олиб, ҳам соғломлаштирилмоқда.

Ушбу мақсадда охириги навбатда ҳордиқ чиқараётган болалар учун ҳамкор

ташкилотлар билан намунавий кун тартиби ишлаб чиқилди. Унда ҳуқуқий саводхонлик, ватанпарварлик, китобхонлик, ёшларни санъат турларига қизиқтириш, соғлом руҳият, компьютер саводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданияти ҳамда болаларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасидаги қобилиятини намоеъ этиш каби тадбирлар рўйхатга киритилди. Барча шароитлар муҳайё этилган марказда кутубхона, чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончаси дам олувчилар ихтиёрида.

– Болаларни соғломлаштириш билан боғлиқ барча ишлар масъулияти зиммамизда, – дейди тажрибали шифокор Эль-

Муса АЎЛЖАНОВ,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон кенгаши бўлим бошлиғи

Хоразм вилояти

Хоразм вилоятида 2018 йил ёзги мавсумда жами 33 та болалар оромгоҳида 11500 нафарга яқин болалар дам олдирилган бўлса, жорий йилда 36 та оромгоҳда 15 000 нафарга яқин ўғил-қизнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига эришилди. Муассасаларнинг барчаси стационар шароитда фаолият олиб бориши таъминланди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси оромгоҳлардаги шароитлар, ўтказилаётган тадбирлар мазмун-моҳияти, санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиниши, болаларнинг тўғри овқатланишини ташкил қилиш, тиббиёт, ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги ходимларининг доимий навбатчилиги тўғрисидаги маълумотларни мунтазам мониторинг қилиб борди. Болаларнинг таътилни мароқли ўтказишларига эришиш, уларнинг дунёқарашларини шакллантириш, иқтидорларини рўёбга чиқариш, соғлом вояга етишларига кўмаклашиш ҳамда Президентимиз илгари сурган бешта ташаббусларни амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилди.



Қувончга йўғрилган онлар

Хар бир оромгоҳда болалар учун тивувчилик, тўқувчилик, дурадгорлик, амалий санъат, спорт, рақс, мусиқа, чет тиллари ва бошқа тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди. Белгиланган режа асосида маданий тадбирлар, спорт мусобақалари, турли танловлар, ижодкорлар, спортчилар билан учрашувлар, диний-маърифий мавзуларда сўхбатлар ташкил қилинди.

Оромгоҳларда кун эрталабки бадантарбия машқларидан бошланди. Қолаверса, шахмат-шашка, футбол, волейбол, баскетбол, югуриш каби спортнинг ўйнаб турлари бўйича ташкил қилинган мусобақалар болаларнинг жисмоний фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ичан қалъа, Жалолиддин Мангуберди, «Авесто» боғ-мажмуалари, шунингдек, туманлардаги маданият ва истироҳат боғларига ташкил қилинган саёхатлар ҳам болаларда олам-олам таассурот қолдирди.

Дам олувчиларнинг тўғри овқатланишига алоҳида эътибор қаратилди. Хар бир мавсумда болалар витаминларга бой таомлар билан сийланди. Бир сўз билан айтганда, оромгоҳдаги хар бир кун файли, мароқли, таассуротларга бой тарзда ўтди.

Алишер САЛАЕВ,
Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи

«Ishonch»га жавоб берадилар

Боғча реконструкция қилинади


Газетанинг шу йил 81-сонида «Ўғай боғча» сарлавҳали мақола чоп этилган, унда Данғара туманидаги 15-МТМнинг «Катта Амиробод» МФЙ ҳудудида жойлашган филиали ночор аҳволда туриб қолгани баён этилганди. Шундан сўнг газетанинг 93-сонида «Мавзуга қайтиб...» рўкни остида «Ўғай» боғча энди «етим»(ми?) сарлавҳали мақола берилди. Соҳага дахлдор мутасаддилар орасида муҳокамага сабаб бўлган ушбу мақолаларга Мактабгача таълим вазирлиги биринчилардан бўлиб муносабат ташдирди:

«Мактабгача таълим вазирлиги 2019 йил 8 июлдаги №155-сонли мурожаатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатдан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти Данғара тумани «Катта Амиробод» МФЙ ҳудудида жойлашган



Мактабгача таълим вазири ўринбосари Шодиёр МАМАТҚУЛОВ



Муборак кунлар илҳоми

ЙЎҚДИР ТИРИКЛИКДАН УЛУҒРОҚ НЕЪМАТ

Йўқдир тирикликдан улугроқ неъмат, Марҳумларни йўқланг бўлса шубҳангиз. Олган оғушига тупроқ беминнат, Одам исси келар... чўкиб ўпсангиз.

Отангиздир балки, онангиздир ё, Таниш-билиш ёхуд қариндош-уруғ. Баҳор чечаклари вақт ўтиб зўё Қаршингизда турар... жонсиз, қуп-қуруқ.

Боқийликнинг рамзи фоний дунёда, Йўқдан бор бўлган, бордан йўқ – асло! Кунми афзалроғи, тунми зиёда, Бири-бирисига ўқаш ҳар асно.

На унга, на бунага ота қўрманг тош, Токи тортилмасан асаб толаси. Чўкмай қўйса ҳамки на Ой, на Кўёш, Яшамокдан қайтмас одам боласи.

Йўқдир тирикликдан улугроқ неъмат...

Мухаммад ЗАЙНИДДИН

Пойтахтда илк бор Қуръон қўлёзмалари намойиши

«Ўзбекистон – буюк йўллар ва тамаддунлар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар» маданий мерос ҳафталиги қатнашчилари 23 август кuni Ислom цивилизацияси марказига ташриф буюрадилар. Шу жумладан, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасида сақланаётган илк Қуръон қўлёзмалари – Усмон Қуръони, Катта Лангар Қуръони нусхаларини кўришга муваффақ бўладилар...

Усмон Қуръони бузоқ терисига битилган бўлиб, муқаддас китобнинг илк қўлёзмаси саналади. Барча мусулмон олами вакиллари учун табаррук бўлган мазкур муқаддас китобни кўриш учун ҳар йили Тошкентга дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб тақводорлар ҳамда сайёҳлар ташриф буюрмоқда.

Машҳур Катта Лангар Қуръони ҳам ислom дини ва барча мусулмонлар учун оламшумул аҳамият касб этади. Бу қадимий китоб бутун инсониятнинг мероси ҳисобланувчи маданий ва тарихий бойликлар қаторига киритилган. Экспертларнинг фикрича, Катта Лангар Қуръони қўлёзмасининг умумий ҳажми 206 саҳифа бўлиб, бугунги кунгача ундан деярли ярми – 97 та саҳифаси асраб қолingan. Қуръон саҳифаларининг 81 varaғи Россияга бориб қолган ва Қўлёзмалар институтида (РАН) сақланади. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қўлёзманинг 16 varaғи Ўзбекистонда бўлиб, айни вақтда бу нодир қўлёзманинг деярли ярми тақдирини номаълумлигича қолмоқда.

Шу муносабат билан ЎзОАВМА «Sevimli TV» телеканалда ҳамда BBC

Ўзбек хизмати билан ҳамкорликда афсонавий Қуръоннинг йўқолган саҳифаларини излаб топишга қаратилган лойиҳани амалга оширмоқда. Бу борада «Катта Лангар Қуръони: афсона ва ҳақиқатлар» мавзусида давомли ҳужжатли фильмлар сериали ҳам тасвирга олинди. Тасвирга олиш ишлари Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги Катта Лангар қишлоғида ҳамда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида олиб борилди. Фильм Қуръон саҳифаларининг асосий қисми қандай қилиб Санкт-Петербургга бориб қолганини аниқлаштирадиган тарихий лаҳзаларни очиб беради. Шу жумладан, бу ҳужжатли фильмда Араблар қишлоғида яшовчи оқсоқоллар ва маҳаллий аҳоли хотиралари, Катта Лангар Қуръони билан боғлиқ афсона ва ҳақиқатлар ҳикоя қилинади.

Лойиҳа доирасида 30 та 15 дақиқалик фильм тасвирга олинган. Жорий йил Рамазон ойида «Sevimli TV» телеканалда ва «Би-Би-Си» Ўзбек хизмати веб-сайтларида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Айни шу фильмнинг умумлаштирилган талқини ҳам маданий мерос ҳафталиги

иштирокчиларга намойиш этилади.

ҲАФТАЛИКНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН ҲАҶАСИ

Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида «Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегияси» деб номланган халқаро конференция арафасида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон – буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳасида: империя, дин, маданият» деб номланган маданий мерос ҳафталигининг аҳамиятли ва ёрқин тадбирларидан бири, бу – иштирокчиларнинг Тошкентда барпо этилаётган Ислom цивилизацияси марказига ташрифи бўлди, деб бемалол айта оламиз.

40 дан зиёд давлатдан келадиган маданий мерос ҳафталиги иштирокчилари ва улар қаторида дунёга машҳур олимлар томонидан томоша қилиш мақсадида ҳали қурилиши битмаган объектнинг таланиши беҳиз эмас.

Президентимизнинг 2017 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислom цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»

Маданий мерос

қарори талабидан келиб чиқиб пойтахтимизда қурилаётган мазкур марказ улуг аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифат дунёсини ҳайратга солиб келётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ажойиб марказ Ўзбекистоннинг юзи ҳисобланади. Шу сабабли уни қуриш жараёнида фойдаланиладиган материалларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қурилиш одати андаза ва лойиҳалардан воз кечган ҳолда, янги шакллар ва дизайн асосида олиб борилаётгани билан ажралиб туради.

Ислom цивилизацияси маркази ўз моҳиятига кўра Марказий Осиёда ягонадир. Марказнинг янги биноси ва илмий мажмуанинг қурилиши Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан 2017 йил декабрь ойида бошланди.

Марказ олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, унинг таркибиде академия, Ислom санъати музейи, мамлакатимизда ва хорижда сақланаётган қадимий ноёб қўлёзмалар, литографик китоблар, буюк алломалар ва дин арбоблари қолдирган тарихий ҳужжатлар, шунингдек, ушбу йўналишдаги замонавий илмий тадқиқотлар билан боғлиқ таълимнинг фонд бўлиши назарда тутилган.

Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»



Тарих саҳифаси

Ҳозирги жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи газетанинг тарихини биласизми? Биз деярли ҳар кун ишлатадиган «газета» сўзининг асл маъносини-чи? Бу сўз қачон ва қандай тарзда тилимизга кириб келган?

Газета қачон «туғилган?»

Тарихий манбаларда қайд этилишича, газетанинг илк кўриниши антик даврдаги қадимги Римда пайдо бўлган. Шаҳар ва дунёда рўё берган воқеалар юпқалаштирилган ёғоч тахталарга бир неча нусхада ўйиб ёзилиб, гавжум жойларга қўйилган. Сисатчилар ҳамда машҳур кишилар эса шахсан етказиб берилган. «Рим халқи ҳақида кунлик воқеалар» деб номланган бундай маълумотлар тахтаси давлат тепасига Юлий Цезар келганидан кейин янада ривож топган. Ундан кейинги юз йилликлар давомида янгиликлар нашрининг шакл-шамойили то 1450 йилда Германияда Иоганн Гуттенберг босма дастгоҳни ихтиро қилганига қадар деярли ўзгармаган.

Газеталар 17-асрнинг дастлабки йилларида бошлаб замонавий кўринишга эга бўлган, бироқ улар ҳозиргидек «газета» номи билан аталмаган. 631 йил 30 май кунини Францияда «La Gazette» номига газета чоп этила бошланган. Айнан шу пайдан кейин «газета» сўзи кўпга Европа тилларига вақтинчалик янгиликларнинг босма матбуот нашрини англатувчи атама сифатида кириб келди. «Газета» эса ўша даврдаги италян маънасида пул билриги бўлган «gazetta» («газета») билан боғлиқ, XVI асрдаяк ўзига тўқ одамлар жамиятга оид хабарлар ёзилган кунлик қўлёзма варақаларни (сарой ҳаётига оид воқеалар, савдо янгиликлари, бошқа кўшни шаҳар ҳақидаги маълумотлар) ўқиш учун бир газета, яъни энг кичик италян тангасини тўлаган. Танга номи эса унда тасвирланган ҳаққа куш (итальянча «gazza») номидан олинган.

Мутахассисларнинг эътирофи этишича, «La gazette» ҳозирги босма ОАВ аъёнлари ва стандартларига мос келадиган дастлабки газета ҳисобланади. Ушбу нашрга француз зодагони Теофаст Ренодо асос солган. У газета учун ўша даврдаги Франция қироли Людовик XIIIдан мамлакат ҳудудида ахборот тарқатиш ҳуқуқини берувчи махсус патентни ҳам қўлга киритган. «La gazette» Франция ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Қиролининг ўзи ҳам бу нашр учун мамлакат халқаро ва ички сиёсати билан боғлиқ муҳим воқеаларга бағишланган махсус хабарлар ёзган. «La gazette» Ренодо муҳаррирлиги даврида босма усулда мингдан ортиқ нусхада чоп этилган. Одатдаги газета кифасини шакллантиришда Ренодонинг «La gazette»да пул тўланадиган хусусий эълонлар, яъни рекламани алоҳида иловада босиб чиқаришни йўлга қўйгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган.

«Gazeta» рус тили орқали ўзбек тилига кириб келган бўлиб, ҳозирда бу сўз журналистика атамаси сифатида бир неча тилларда, жумладан, албан, белорус, вьетнам, грузин, малта, норманд, озарбойжон, осетин, поляк, суахили (шарқий Африка), татар, тожик, турк, туркман, украин, қирғиз, қозоқ ва бошқа тилларда кенг қўлланилади. Энг қизиғи шундаки, газета бошқа тилларда турлича аталади: инглизчада «newspaper», французчада «journal», испанчада «periodico», араб тилида «жаридо» ёки «ас-саҳифа», хитой тилида «вао», немисчада «Zeitung» ва ҳоказо. Яна бир гап. Бугунги кунда «gazette» сўзи роман-герман оиласига мансуб тилларда газета, яъни даврий вақтинчи матбуот маъносини аниқлаштиради. У расмий ташкилотлар нашри ва ҳукуматга тегишли бюллетень маъносини аниқлаштиради. Бироқ «gazette» сўзи Франция, Германия, АҚШ, Англия, Испания каби давлатларда чоп этиладиган баъзи газеталарнинг номларида ҳам халқимизга учрайди.

Кўриб турибдики, нафақат газета, балки ушбу сўзнинг тарихи ҳам қадимга бориб тақалади. Шундай экан, «газета умрини ўтаб бўлди» деган гап-сўзларда на маъно, на мантқ бор...

Зилола АЛЛАМУРДОВА, ўқитувчи

Мулоҳаза

шунинчи асрда Миср талоқ бериш бўйича етакчи эди.

Ибн Умар (р.а) дан ривоят қилинади: Набий с.а.в. «Аллоҳ аза ва жаллага энг ёмон қўрилган ҳалол талоқдур» дедилар. Ислom динида талоқ фақат ноилоҳ қолгандагина ишлатиш учун берилган руҳсатдир. Расулulloҳ салоллоҳу алайҳи вассалам қала «Талоқ қилишдан Аллоҳнинг арши ларзага келади» деганлар.

СўНГИ ПУШАЙМОН

Жаҳон миқёсида ҳар учинчи ажрашган одам вақт ўтиб ўзининг қароридан афсусланиши аниқланган. 80 фоз эркеклар эса собиқ рафиқаси билан қайта турмуш қуришга розилик билдиради. Ажрашганлар ичида 40 фоз аёллар

лишлар кўп? Бунга тўқликка шўхлик, зеркиш, бесабрлик ва оилани муқаддас билмаслик сабабми? Социологларнинг айтишича, тўйдан аввал бирга яшаш, ўзаро бир-бирини синаб кўриш мақсадидаги никоҳсиз муносабатлар ва шундан кейин тўй қилиб оила қурганлар орасида ажримлар кўпи! Оддий қилиб айтганда, эр-хотин тўйдан сўнг бир-бирдан тезда совийди! Чунки никоҳгача улар бир-бирини обдан ўрганиб олган, ўзаро қизиқишлар сўнгган. Яна бир масала бу – фарзанд кўриш. Кўпинча, фарба эр ёки хотиндан бири фарзанд кўришни истамапти. Иста-клар номуносивлиги эса уларни айиради. Бундан ташқари, ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиганлар орасида ҳам ажримлар юқори. Диндор халқларда оилани муқаддас билиш, уни бузиш гуноҳ эканини ёдда тутиш, кўпинча, эр-хотинни бирлаштиради. Италия, Исроил, Туркия ҳозирча ажрашиш кам кузатиладиган мамлакатлар қаторидадир. Чунки бу ерда инсонлар ўйлаб турмуш қуришади, энгил ҳою-ҳавасларга учмайдилар.

КИНОНИНГ ТАЪСИРИ

Афсуски, ажримлар фақат фарба тегишли, бизда бу ҳол камёб, деб ўйласак адашамиз. Фарб турмуш тарзи айрим ёшларни ҳаётга энгил қарашга ундамоқда. Бунга кинофильмлар ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Эътибор берсангиз, намойиш этилаётган кўпгаб хорижий фильмлар, телесериалларда қаҳрамонларнинг оиласи йўқ, сўққабаш. Фантастик, жангари ёки комедик фильмларнинг бошлан-иш саҳнаси кўпинча бир хил: қаҳрамон эркек хотинидан ажрашган, ҳафтада бир марта фарзандларини бориб кўради, собиқ рафиқаси эса бошқа эркек билан турмуш қурган. Болалар ҳам бу ҳолни табиий қабул қилиб, «янги» ота билан яшашмоқда. Ёки қаҳрамон эркек фильм давомида қаҳрамон қизини (севиб қолади ва «ялмоғиз» хотини билан ажрашади. Яна севиб қаҳқидеги сериалларда «бўлди, ажрашман», «бошқасини севиб қолдим» каби жумлалар кам янграйди, дейсизми?

ОАВ ҳам машҳур юлдузларнинг неча йиллик турмушдан дабдаба билан ажрашгани, шунча пул тоvon тўлагани, фалон юлдузнинг иккинчи марта уйланиши, ўзи фарзанд кўришни истамай бола асраб олаётган хотинларини биринчи саҳифада шов-шув қилиб ёритаётгани ёш авлодга ижобий таъсир қилади, деб бўлмайди. Голливуднинг деярли барча фильмларида биз шахсий ҳаётда бахтини топмаган қаҳрамонлар билан танишамиз. Афсуски, улар бизга ўрнатқилиб кўрсатилади.

Сўзимиз охирида фақат бир тилак айтамеиз: оила муқаддас, ажрим сўзини ҳаёт луғатингизда қўлламасликка интилинг.

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА, журналист

Кейинги пайтларда «Фалончи ажрашибди», «Пистончини эри ташлаб кетибди» каби надоматли гап-сўзлар қулоққа тез-тез чалинадиган бўлиб қолди. Сабабини сўрасангиз, «тақдир экан», «келиша олмадик», «характеримиз тўғри келмади» ва ҳоказо изохларни эшитасиз. Ҳайрон қолсан киши: аввал-лари ажрашишга жуда жиддий сабаб бўлсагина қўл урилган. Ҳозир эса...

ТАРИХГА НАЗАР

Англия қироли Генрих VIII черковда ажра-рашиши расман рухсат этган илк давлат раҳбари ҳисобланади. Қадимги Римнинг ҳуқуқий бит-тиклирида «Турмуш қуришга даҳл қилинмайди» деб ёзиб қўйилган. Бу даврда фақат жиддий са-бабга кўра ажрашиш мумкин бўлган. Тўққизинчи ва ўнинчи асрларда дин таъсирида ажрашиш-лар жуда кам кузатилаган. Таълимотларга кўра, эр-хотин бирбутунлик деб ҳисобланар ва улар-нинг ажрашуви асло мумкин эмас эди. 1603-1868 йилларда фақат эркеклар томонидан берилган «ажрашиш хатлари» қабул қилинган, аёлларда бундай ҳуқуқ бўлмаган.

Афсуски, замон илгариланган сари эр-хотин ўртасидаги муносабатлар заифлашмоқда.

САБАБЛАРИ НИМАДА?

Буни, аввало, ёш билан боғлаш мумкин. Бри-тания бюроси маълумотларига қараганда, 25-29 ёшдаги оилалар ўртасидаги ажрим юқори кўр-саткичга эга бўлиб, Россия миқёсида ажрашиш ярим аср аввалги ҳолатга кўра уч баравар ошган. Бунга сабаблар:

- характер тўғри келмаслиги – 27 фоз,
- рўзгор ташвишлари – 17 фоз,
- саломатлик туфайли – 13 фоз,
- ичкиликбозлик – 6 фоз,
- ишсизлик – 6 фоз.

Хиёнат, ҳаётга энгил қараш, сабрсизлик, мод-дий қийинчилик, қариндошлар билан келишол-маслик ҳам ажримларга сабаб бўлаётди. Дунё бўйича ажримлар турмушнинг илк беш йилли-гида ҳамда йигирма йилдан кейин кўпроқ ку-затилаётганини нима билан изохлаш мумкин? Маълумотларга кўра, олий маълумотли ва 26 ёш-дан ўтгандан сўнг оила қурганлар орасида аж-рашишлар нисбатан кам. Австралида ҳар уч ни-коҳдан бири ажралиш билан тугайди. Соғлиқ Статистикаси Миллий Марказининг маълумотла-рига кўра, АҚШда ажрашиш учун биринчи бўлиб ариза берадиганлар – кўпроқ аёллардир.

БИЗДА ЭСА...

Ўзбекистондаги ажрашиш сабаблари ўр-ганилганда, ақсарият ёшларнинг оила қуришга тайёр эмаслиги, соғлиғига эътиборсизлиги, йи-гитларимизнинг рўзгорини моддий таъминлаш, фарзандларини тарбиялаш масъулиятини ҳис эт-маслиги, қизларимиз эса уй бекаси, оналик ва-зифаларини тушунмаслиги кўзга ташланади. Ажрашганларнинг асосий қисми 20-25 ёш атро-фидаги йигит-қизлар. Энг ачинарлиси, улар бир-бир ярим йил турмуш қурган, холос. Таҳлиллар

ажрашиш ҳолатларининг 18 фозини оиладаги келишмовчиликлар, 22 фозини ўзаро муҳаббатнинг йўқлиги, феъл-атворларнинг тўғри келмаслиги, қолганлари эса фарзандсизлик, эр ёки хотин-нинг касаллиги, йигитларнинг ичкиликка бери-либ кетиши оқибатида келиб чиққанлигини кўр-сатади. Бундан ташқари, айрим ота-оналарнинг буюмга ўчлиги, молпарастлиги, келини нўр-лаши, фарзандларига тўғри тарбия бермаслиги ҳам ажримга олиб келяпти. Мурося йўлини тан-

КЕНГАЯЁТГАН ДАРЗ ёхуд ажримлар нега кўпаймоқда?



лаш ўрнига «онаси ўпмаган қизга уйлантириб қўяман», дейдиган «мард» оналар ҳам йўқ эмас. Бир-бирдан айрилишни истамаса-да, катталар-нинг таъйиқи билан тарофма-тароф бўлиб кетаёт-ганлар ҳам топилди. Баъзан эса аксинча ҳолни кузатиш мумкин. Ота-оналарнинг оқ фотиҳа-сини олмай, ўткинчи ҳавасга берилиб, ўйлан-май қурилган турмушлар бир йилга бормай «кет, йўқол» билан барҳам топиш ҳолатлари ҳам бор.

ДИНИМИЗДА...

Ислom динида бу ибора «талоқ» дейилади. Уч талоқдан сўнг аёллар ўз оиласидан ажрашган ҳи-собланади. Қизиги, ўрта асрларда ислom мамла-катлари ва Турк империясида ажрашишлар бу-ғунгидан кўра кўпроқ кузатилаган. Айниқса, ўн бе-

иккинчи марта турмуш қуришга аҳд қилади, бир-роқ аёлларнинг 13 фозинигина ўзи кутган бахтга эришади. Кўпинча, ажрашганлар бошқа турмуш қуришдан қочадилар. Бунга яна бир бор талоқ қи-лишдан чўчиш ҳавфи сабаб, албатта. Шу тариха, ажрим ёлғизликка, фарзандсизликка йўл очади.

НЕГА ҲАРБАДА АЖРИМ КўП?

Ҳар 13 сонияда ер юзиде бир оила ажраш-моқда! Жаҳон бўйича 1950 йилда ажримлар 3, 1960 йилда 10, 1980 йилда 33 фозини ташкил этган бўлса, ҳозирда 45 фозига етган. Ажрашиш бўйича энг юқори даражани кўрсатувчи дав-латларга АҚШ, Буюк Британия, Канада, Герма-ния, Австралия ва Скандинавия давлатлари ки-ради. Ҳўш, нега ривожланган давлатларда ажра-

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Хўсан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилмиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Баҳоси келишилган нарҳда. Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001. АТБЕ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон – (+998-99) 889-90-23. Бухоро – (+998-99) 889-90-31. Жиззах – (+998-99) 889-90-34. Наманган – (+998-99) 889-90-02. Навоий – (+998-99) 889-90-28. Тошкент – (+998-99) 889-90-25. Самарқанд – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё – (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32. Фарғона – (+998-99) 889-90-24. Хоразм – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27. «Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов. Муссаҳиҳ: С. Шодиева. Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов. ҲА яқини – 22:50. Топширилди – 00:10. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюмта Г – 817. 28020 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 1 2 3 4 5